

ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ

1-бет

Бу ер замонавий агросаноат мажмуи бўлади – 1 минг 500 тонна сиғимли музлаткичи омбор, маший хизмат шохобчалари барпо этилади. 6 та минитрактор, 10 та юк машинаси сотиб олинади. Боғ ва токзорлар аҳолига бўлиб берилади. Бу миришкор олтириқликлар учун катта имкониятлар яратилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда фарғоналик деҳқонлар ва кластер раҳбарлари билан суҳбатлашди.

– Бу боғ ва токзорлар аҳолига хусусийлаштириб берилади. Мулкдор қанча кўп бўлса, масъулият кўп бўлади, харидорларнинг, чет эллик ҳамкорларнинг тадбиркорга ишончи бўлади, одамлар кўпроқ даромад олади, – деди Президент.

Худудда 3 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши айтилди. Уларга ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар, жумладан, хоридан қайтиб келган меҳнат муҳожирилари ишга олинади.

Президентимиз шундай ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Фарғона вилоятида мева-сабзавотчилик ва гулчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимот қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти Фурқат туманидаги "Уста Юсуфжон наққош" оилавий корхонасида бўлди.



Президент Фарғона вилояти Бувайда туманида қурилган мебелсозлик мажмуасини бориб кўрди. Бувайдада кўпчилик уста дурдгор. Оилалар ўз уйида эшик-роғлар тайёрлаб сотади. Уларнинг маҳсулотлари Фарғона водийсидан ташқари Тошкент шаҳри, узоқ вилоятларга етказиб берилади. Лекин ҳовлида шароитлар етишмасди. Об-ҳаво, шовқин ноқулайлик туғдирарди. Бувайдалик хунармандларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллада мебелсозликка ихтисослашган мажмуа барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Бир қаватли биноларда ишлаб чиқариш устаконалари, икки қаватли биноларда савдо, кўргазма ва маший хизмат хоналари жойлашган.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида тадбиркор аёллар билан суҳбатлашиб, улар учун замонавий мажмуа қурилишига ваъда берган эди. Шу асосида 2021 йил 27 май куни "Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда 15 гектар ер ажратилиб, кўп қаватли бино барпо этилмоқда. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо растаси бўлади. Шунингдек, 2 та логистика маркази ташкил этилади. Натيجида Бобошбек, Бекмурод, Зиғир, Палохон ва Яқмамулла каби маҳаллалардаги юзлаб тадбиркорларга замонавий қулайлик яратилади.

Масалан, биргина Бобошбек маҳалласида 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар Кўқон бозори орқали юртимиз худудлари, қўшни мамлакатларга етиб бормоқда. Энди замонавий шароитлар самарасида бу қўламан янада кенгайди.

Президентимиз бу ерда иш бошлаган тикувчилик корхоналари фаолияти билан танишиб, тадбиркорлар ва харидорларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Мажмуада йилига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик экспорт қилиниши мўлжалланган. Жами 7 минг 700 дан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлиши мумкин.

Кўштепа туманида ҳам яна бир тўқимачилик

– Бугун бозор бешафқат. Бу рақобатга муносиб бўлиш учун тадбиркорнинг камида беш йиллик мўлжали, сифат кафолати, таннархда ўзининг резерви бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Марғилон шаҳрида ташкил этилган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлди.

Наврўз маҳалласи худудидаги бу жой илгари тошлоқ, фойдаланилмайдиган ер эди. Лекин коммуникация ва логистика жиҳатидан жуда қулай.

Шу боис 7 гектар майдонда ушбу саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати бўйича 28 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда уларнинг 12 таси ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган. Барча корхоналарда мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхоналардан бирида ишлаётган аёллар билан суҳбатлашди.

– Инсон қадрини улуғлаш бўйича ҳаракатларимизда аёлларга алоҳида аҳамият қаратаймиз. Аёл бу – оила дегани, баркамол фарзандлар дегани. Нима учун "Аёллар дафтари" ташкил қилдик? Ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизга эътибор қилиш учун. Сизнинг ҳам баъзиларингиз "менинг қўлимдан келмайди" деб ўйлаган бўлишингиз мумкин. Қила олар экансиз-ку. Сизларда мана шундай ишонч бўлиши учун, қизларимиз касб-хунарли бўлиши учун бундан кейин ҳам ҳамма имкониятларни ишга соламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай саноат зоналарини чекка туманларда ҳам очиб, унга ёшларни жалб этиш, касбга ўрғатиш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Тошлоқ туманидаги "Agro imrex valley" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд бўлган ушбу корхона 2020 йилда ишга туширилган. Бу ерда "Амира текстиль" белгиси остида тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ёзги пойабзалларнинг устки қисми ҳам тайёрланади.



Суратлар president.uz сайтидан олинди.

корхонаси қурилмоқда. "Global textile infinity" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилаётган бу фабрика йилига 18 миллион метр юқори сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари тўқимачиликда қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошлоқ туманида тез чиқарилаётган саноат ва хунармандчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, Масъуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбирлари.



Корхона раҳбари Муҳаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ишлари юртимиздаги кўплаб макбара ва янги мажмуаларга кўрк бағишлаган. Қўлигул хунарманд Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлган.

Муҳаммадали Юнусов ижодида "паргори", "шарафа", "муқарнас" ва "ислими" услублар устувор. Нақшкор устунлар, курси, лавҳ, қўтича ва бошқа оилавий буюмлар ҳаммаша харидордир.

Устанинг шогирдлари кўп. Шу боис корхонага кенг шароит яратиш мақсадида янги бино қурилмоқда.

– Ота-боболаримиздан мерос хунарни асраб-авайлаб, ёш авлодга етказиб беришимиз, ёшларни ишли қилаётганингиз учун раҳмат, – деди Президент. – Бундай хунармандчилик турларини янада оммалаштириш керак. Бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодиёт.

Давлатимиз раҳбари мазкур оилавий корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда хунарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам чуқурлаштириб ўқитиш муҳимлигини таъкидлади. Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода ҳам шу каби ёғоч ўймакорлиги марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президентимиз янги бинада иш бошлаган хунармандлар билан суҳбатлашди.

– Булар бу кунга машаққат билан келган. Энди ҳар кун ишлашга ҳам тайёр. Фақат бунинг учун барқарор хомашё ва бозор керак. Давлат шу жиҳатдан ёрдам берса, хунармандларнинг иши юришади, шогирдлари кўпаяди, даромади ошади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Қорақалпоғистон ва вилоятларда мебелбоп дарахтлар етиштириш, қайта ишланган ёғоч маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозордан ташқари Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 3 минг 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти Учкўприк туманида бунёд этилаётган Енгил саноат ва логистика марказига борди. Бу мажмуа ҳам Президент ташаббусининг натижаси. Учкўприкда тикувчи аёллар, оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тадбиркорлар кўп. Лекин улар мослаштирилган шароитларда ишлар, бу бизнесни кенгайтиришга ҳалал берар эди.

ИТАЛИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР РИШТОНДА

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Фарғона вилоятининг Риштон тумани делегацияси Италиянинг Дерута шаҳрида бўлиб, ташриф давомида ахдлашув меморандуми имзоланган эди. Шунга кўра, яқинда италиялик тадбиркорлар Риштонга келиши ва тумандаги саноат, ишлаб чиқариш мажмуаларида бўлиб, тадбиркорлар билан учрашиши.

Хусусан, меҳмонлар А. Навоий номидаги МФЙ худудида жойлашган собиқ керамика заводининг бўш турган бино-иншоотлари негизинда тадбиркор, "Дўстлик" ордени соҳибаси Муҳайё Саторова томонидан ташкил этилган чини маҳсулотларига беиз бериш цехида олиб борилаётган иш жараёнини кўздан кечиришди. Бугунги кунда бу ерда 100 дан ортиқ хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Шунингдек, туманда истиқомат қилувчи ишсиз аёллар ҳам касаначиликка жалб қилинмоқда.

Деруталиклар уста-кулол Шокиржон Аҳмаджоновнинг янги ташкил этилган кулолчилик кластери фаолияти билан ҳам танишишди. 5 млрд сўм қийматидаги ушбу лойиҳа 2021 йилнинг октябрида ишга туширилган бўлиб, 100



тадан ортиқ хотин-қизлар кулолчилик сирларини ўрганишмоқда. Тадбиркор саъй-ҳаракати билан туман марказидан анча йироқ қишлоқларда яшовчи 3 минг нафар аҳолининг ҳам касаначилик билан шуғулланиб, даромадга эга бўлишлари учун имкониятлар яратилган. Бугунги кунда ҳақиқий санъат асарига айланган кулолчилик маҳсулотлари ҳар қандай кишини ўзига мафтун этмай қолмайди.

Шокиржон Аҳмаджоновнинг таъкидлашича, ишчилар 2 млн сўмдан 4 млн сўмгача маош олишапти. Шунингдек, жорий йилда Россиянинг Екатеринбург шаҳрига маҳсулотларни экспорт қилиш

учун 5 млн АҚШ долларлик шартнома имзоланган.

Тумандаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган оилавий корхоналар фаолияти ҳам италияликларда катта қизиқиш уйғотди. Меҳмонларнинг юртимиздаги сафарлари бир неча кун давом этди. Улар Марғилон ва Кўқон шаҳарларида ҳам бўлишди ва Марғилон ипакчилик саноатига қизиқиш билдиришди.

– 42 йил аввал Ўзбекистонга келганман, – деди деруталик керамика маҳсулотлари бўйича мутахассис, NE.DI компанияси раҳбари, тадбиркор Джанкарло Чуффини. – Ўзгаришлар



жуда катта. Айниқса, риштонликларнинг меҳмондўстлиги лол қолдирди. Яна ҳам эътиборлиси, кўчада кетаётган ёшлар қўлини кўксига қўйиб, салом беришгани, ана маданият, ана меҳмонларга ҳурмат-эътибор, ана тарбиянинг маҳсули.

Шу билан бирга кулолчилик Риштонда тез ривожланаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бунинг яхши томони шуки, тайёрланаётган сопол ва чини маҳсулотлари сифатлилиги билан ҳорж мамлакатларига экспорт қилинмоқда ва бу билан Ўзбекистон, қолаверса, Риштон жаҳон бозоридан ўз урнига эга бўлапти. Дунё мамлакатлари билан

савдо-иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилаётгани, давлат ривожига, фуқаролар турмуш тарзида ижобий из қолдиради, албатта. Қолаверса, аҳолининг иш билан доимий бандлиги таъминланяпти.

Риштон кулолчилиги узоқ тарихга эга. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунё мамлакатларини лол қолдирмоқда. Кулоллар чиндан ҳам дурдона асарларни яратишмоқда. Шунинг учун бу ерда ўз бизнесини йўлга қўйиш истаги пайдо бўлди. Замонавий технологиялар асосида чини маҳсулотларини ишлаб чиқариб, дунё бозорини забт этишга барча имкониятлар бор экан.



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (жотибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна
булими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-543.
2221 нусxada босилди.
Қозғ бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва мўаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳужаева.

ЎЗА якуни – 01.15.
Топширилди – 01.50.

ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА, ЙЎЛЛАРНИ ЙЎЛЛАРГА БОҒЛАЙДИ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Халқимизда йўл ва кўприк қуришнинг нақадар савобли иш экани ҳақида кўплаб пурмаъно сўзлар бор. Дарҳақиқат, кўприклар орқали олис манзиллар яқин, мушкуллар осон бўлади. Бугунги кунда юртимизда ижтимоий инфратузилмани барқарор ривожлантириш жараёнида аҳолига қулай шароитлар яратиш ҳамда юкларни тез ва сифатли шаклда манзилларга етказишни таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида замонавий кўприклар қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа мутахассислари томонидан ривожланган давлатларнинг илгор тажрибалари кенг татбиқ этилаётгани сабаб юртимизда кўплаб ана шундай замонавий иншоотлар қад ростламоқда.

Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Кўприкқурилиш трести" унитар корхонаси мутахассислари томонидан бунёд этилаётган Хоразм вилоятини Қорақалпоғистон Республикаси билан боғловчи кўприксозлик ишлари бунга яна бир мисол бўла олади. Ҳадемай, Амударё устидан ўтадиган янги темир йўл ва автомобиль йўли халқимизнинг яна бир орзусини рўёбга чиқаради.

Мутахассисларнинг айтишларича, ҳозирга қадар "Шовот – Гурлан – Жумуртау – Койбакли" темир йўли линиялари оралиғида жами 4 514,20 минг куб метр кўтарма тупроқ ишларнинг 98 фоизи бажариб бўлинган. Умумий 80,2 километр темир йўл изларини етқизиш ишлари ҳам деярли якунланиб қолган. Белгиланган 233 та сунъий сув ўтказгич иншоотларидан 162 тасида қурилиш-монтаж ишлари ниҳосига етказилди. Темир-бетон кўприклардан эса 1 таси қури-

либ, тайёр ҳолга келтирилган, 4 тасида эса қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, лойиҳага кўра, дастлаб, Қораўзақ туманидан Амударё ва Гурлан туманлари орқали Шовот туманигача умумий узунлиги 80,2 километр бўлган темир йўл линиясини ҳамда шу оралиқдаги 3 та кўриқланадиган ҳамда 24 та кўриқланмайдиган темир йўл кесишмасини қуриш белгиланган. Бундан ташқари, 4 та авто йўл ўтказгич, 9 та кўприк ҳамда 1 та 25 кишига, 2 та 50 кишига хизмат кўрсатувчи темир йўл вокзалини бунёд этиш, яна битта темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги ва бошқа темир йўлга техник хизмат кўрсатиш бино-иншоотларини қуриш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ахборот хизматидан олинган маълумотга кўра, бугунга қадар лойиҳада кўрсатилган 80,2 километрлик участкада режа бўйича йўлсозлар томонидан умумий ер ишларини бажариш ниҳосига етказилди. Ҳозирда қурилиш майдонига 115 та замонавий техника ҳамда 240 нафарга яқин мутахассис жалб этилган. Асосий қўшма кўприкнинг узунлиги 413 метр бўлиб, эни 8 метр, ҳар бир оралиқ 66 метрдан иборат. Айни пайтда дарёнинг ҳар иккала соҳилида ҳам бараварига бунёдкорлик ишлари авжи паллага кирган. Чап ва ўнг қирғоқда эса бўлғуси иншоотнинг устунлари босқичма-босқич ўрнатилляпти. Аҳамиятли жиҳати шундаки, 7 та устуннинг ҳар бирига 35 та қувур қоқилиб, ер сатҳидан 38 метр чуқурликда бўлмоқда.

Донишмандлар айтганидек, "Йўллар элларни-элларга, манзилларни-манзилларга туташтирувчи восита бўлиб, улар орқали манзиллар яқинлашиши баробарида худудлар ободонлашади, йўловчи ва ҳайдовчиларга бирдек қулайлик яралади, муҳими эса мана шу жойда яшовчиларнинг мушкул осон, турмуш даражаси янада фаровон бўлади".



КЎПРИКСОЗЛАР ШИЖОАТИ

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда магистрал йўлларни қуриш, халқаро аҳамиятга молик транспорт тизимини яратиш, улар атрофида замонавий инфратузилмани барпо этиш долзарб вазифага айланган.

Самарқандда ҳам бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари, қурилиш-реконструкция жараёнида янги йўллар бунёд қилиш, мавжудларини замон талабига мослаштириб, сифатли таъмирлаш ҳамда уларнинг узвий қисми бўлган кўприкларни оқилона ишлатиш алоҳида ўрин тутмоқда. Бу борада "Самарқанд кўприкқурилиш" унитар корхонаси ишчи-хизматчилари эътиборга молик юмушларни бажарётгани кувончлидир.

120 нафардан зиёд тажрибали усталар қишин-ёзин тиним билмайди. Чунки инвестиция

дастури доирасидаги объектларни қуриш, халқаро ва ҳудудий йўллардаги кўприкларни тўлиқ ва жорий таъмирлаш доимо ҳаракатини, изланишни тақозо этиши шубҳасиз.

Кўприк қуриш ва уларни ишлатиш савоб амал ҳисобланади, – деди корхона директори Аҳад Ҳороқов. – Шу боисдан вилоятда қад ростлаётган кўприкларни ишга тушириш, борларини сақлаш, узоқ муддат ишлашни таъминлашга масъулмиз. Зиммадаги вазифани ишчи-хизматчилар шараф билан удалашмоқда. Жорий йилда жойларда юзага келаётган кучли ёгингарчилик ва сел оқибатлари йўллар ва кўприкларга зарар етказилгани ҳеч кимга сир эмас. Аниқланган талафотлар бўйича тезкор ҳаракат қилиб, вақтида уларни бартараф этаётганимиз ўз натижасида бу иншоотлар халқ ҳўжалигига кўнгилдагидек хизмат қиляпти.

Кўприксозларнинг меҳнати тўғрисида яқинда Оқдарё дарёси устидан ўтувчи янги кўприк фойдаланишга топширилди. Қиймати 30 миллиард

сўмга тенг иншоот замонавий кўприк мустаҳкам материаллар ёрдамида қурилгани билан ажралиб туради. 140 погонometr узунликдаги кўприк 6 та қатнов йўли, пиёдалар, велосипедлар ҳаракатланиш учун алоҳида йўлақларга бўлинган. Муҳими, иншоот Самарқанднинг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Чунки бу кўприк орқали буюк аллома ва ҳадис илмининг султони Имом Исмоил ал-Бухорий мажмуасига бориш имконияти янада яхшиланди.

Корхонамиз жамоаси Каттакўрғон шаҳри ва Каттакўрғон туманини боғловчи яна бир йирик объект – Қорадарё устидан ўтувчи кўприкни қайта реконструкция қилишга ҳам фаол киришган, – деди иш юритувчи Нуралӣ Жамуродов. – Ишчи-хизматчилар Тошкентдаги "Бошкўприкйўллойиҳа" МЧЖ мутахассислари тайёрлаган лойиҳа бўйича иш юритилляпти. Ишчиларга барча шароитлар яратилгани иншоотни тезроқ фойдаланишга топшириш имконини беради.



Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Реклама – савдонинг юраги. Атрофдаги баланд-паст биноларни кузатсангиз, эътиборга олинмайдиган манзарага гувоҳ бўласиз. Мазкур мажмуалар – ижтимоий объектлар, турар жойлар-у савдо марказларининг том қисмида истеъмол товарлари, мол-я-иқтисодиёт ташкилотлари ва корхоналарнинг йирик реклама лавҳаларига кўзингиз тушади. Қизиқ, биноларга уларни жойлаштириш тартиби қандай?

– Кечирасиз, манзилни унутдим. Қандай қилиб топсам бўлади?
– Шудокчина метронинг ёнгинаси. Унинг тепасида катта реклама пештахтаси бор – "Engelberg".

Тошкентдаги кўп қаватли турар жой ва ижтимоий объектларнинг том қисмларига реклама пештахта-витражлари жойлаш одатга айланмоқда. Бу рекламалар бир пайтнинг ўзида минглаб йўловчиларнинг назарига бўлади, шаҳар кўринишини таъсирлантиради. Шунга кўра, улар қонун-қоида ва ваколатли органлар томонидан бошқарилишини талаб этади.

РЕКЛАМА ПАСПОРТИ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига кўра, ташқи реклама конструкцияларини ўрнатиш реклама жойининг паспорти ва техник чизмаси мавжуд бўлганда амалга оширилади. Шунингдек, ундан фойдаланиш ва ўрнатилган рекламани олиб ташлаш бўйича ишлар конструкция эгаси томонидан ер участкаси, бино ҳамда бошқа мулкнинг мулкдори ёхуд мулк эгаси томонидан ваколатланган шахс билан, электр таъминоти тармоқларига уланганда эса, қўриқланадиган зона ҳудудида электр таъминоти линиялари ва ташқи ёритиш тармоқлари усуналаридан фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Агар ташқи реклама ва ахборотнинг техника воситасини ўрнатиш учун ерни қавлаш ёки ер ишларига боғлиқ бошқа жараёнларни бажариш талаб этилса, бундай ишларни бажариш учун тегишли қурилиш, ички ишлар, ободонлаштириш хизматлари билан келишилиши. Худудларга ташқи реклама пештахталари, витраж ва баннерларни ўрнатиш учун олинмайдиган реклама жойининг паспорти Адлия вазирлиги ҳузуриди-

да Давлат хизматлари марказларига ариза ёзиш орқали бажарилади. Шу билан бирга, ташқи реклама оператори Давлат хизматлари марказларига ташқи реклама объектини ўрнатиш таклиф этилаётган бино ёки иншоотларни балансида сақловчиси билан келишув буюртмасини ва объектнинг индивидуал лойиҳасини тақдим этади. Белгиланган ҳужжатлар ва юқоридаги жараёнларнинг сўнггида реклама паспорти олинади.

РЕКЛАМА ЛАВҲАЛАРИ УЧУН ТЎЛОВ БОРМИ?

Албатта, ваколатли органларнинг қарорлари конструкцияларида ташқи рекламани жойлаштириш ва тарқатиш ҳуқуқи учун табақалаштирилган йиғимларни белгилаш, уларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартибини белгилайди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига ўрнатилган реклама объектлари учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида низом илова қилинган. Унга кўра, юридик ва жисмоний шахслар учун табақалашган ставкаларни белгилашда реклама объекти жойлашган жой, муҳандислик тармоқлари билан таъминланганлиги, йирик шаҳарлар, туман марказлари, ҳалқа йўллар, халқаро аҳамият касб этувчи йўллар

ҳамда овул-қишлоқ жойлари архитектура ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб худудларга бўлинади. Ташқи реклама конструкцияси ўрнатиш учун шаҳар ва туман худудларининг иқтисодий имкониятлари, демографик даражаси ҳисобга олинади. Жумладан, ҳозирда ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қараб Ўзбекистон Республикасининг худудлари 5 гуруҳга бўлинади:

- 1-гуруҳ – Тошкент шаҳри;
- 2-гуруҳ – Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари;
- 3-гуруҳ – Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий ва Хоразм вилоятлари;
- 4-гуруҳ – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;
- 5-гуруҳ – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.

Амалдаги қонунларга кўра, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида ўрнатилган реклама объектлари учун йиғим ставкалари Тошкент шаҳри учун белгиланган ставка миқдорларидан ошмаслиги керак. Ўрнатилган ҳар қандай витраж, пештахта ёки баннерлар учун олинмайдиган йиғимни ҳисоблаш $T = M \times K$ шаклида амалга оширилади. Бунда, T – 1 ойда 1 квадрат метр учун таянч йиғим миқдори, M – 1 ойда 1 квадрат метр учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан белгиланмайдиган минимал йиғим, K – ҳудудий зоналар коэффициенти ҳисобланади.

ХУСУСИЙ ИНШООТГА РЕКЛАМА ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Ташқи реклама объектларини ва ахборот маълумотларини бинонинг том, фасад, деворларига ўрнатиш унинг меъморий элементларига, меъморий ечимларига, шаҳарсозлик ва ушбу биноларнинг мулкдорларига зиён етказмасдан амалга оширилиши, уларнинг барча ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, аҳолининг тўлақонли яшаш муҳити, тарихий-маданий мероси ва меъморий ландшафтнинг сақлаш, шакллантиришга ҳисса қўшиши керак. Ташқи реклама объектларини бинолар, конструкциялар ва ташқи деворларга ёки томларга жойлаштиришда ушбу объектларнинг асосий конструкциялари элементлари техник ҳолати ҳисобга олинади.

Бинолар, конструкциялар, ёки уларнинг мажмуалари юзасига ташқи реклама объектларини ўрнатиш даврида ушбу объектларни ўз балансида сақловчи шахс билан келишилган бўлиши керак. Кўриниб турибдики, агарда ўз балансида бино-иншооти бўлган жисмоний шахс объектига реклама олишни истаса, тегишли тартибда реклама агентликлари билан боғланиши зарур. Бунда тўловлар юқоридагидек реклама жойлаштириладиган объектнинг ижтимоий-иқтисодий сферасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда электротехника тармоғида фойдаланилмаётган имкониятлар ва янги захираларни сафарбар қилиш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ушбу тармоқда яратилган шарт-шароитлар натижасида ўтган беш йилда 465 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 163 та янги лойиҳа ишга туширилгани, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми 4 баробарга (4 триллион сўмдан 17 триллион сўмга), экспорт ҳажми эса 3 баробарга (190 миллион доллардан 565 миллион долларга) ошгани, бу тармоқда иш ўринлари сони 2 баробарга ошиб, 32 мингтага етгани таъкидланди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган "Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси" да миллий иқтисодиёт, саноат ва умуман, жамиятимизда амалга оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар орасида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга, экспортни 3 бараварга ошириш масаласи ҳам кўзда тутилган. Давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оқимдор манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган мазкур дастур ишбилармонлик даражасини йўлга қўйиб, тадбиркорлик салоҳиятини янада кенгайтиришга имкониятлар эшигини очгани билан эътиборга моликдир. Ана шу имконият тўғрисида қиқаришни йўлга қўётганлар кун сайин кўпайиб, янги иш ўринлари яратилляпти, замон талабига мос турли хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Ана шундай тадбиркорлардан бири, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида яшовчи Раҳимжон Очиловдир. Ишбилармон юртимизда ўтказилаётган изчил ислохотлар талабига жавоб беролмай, банкротга учраб, кўп вақтлардан буён каттагина худудни банд қилиб турган корхоналар борлигини яхши биларди. Шу сабабли "Уйловчининг ўйи бит-гунича, таваккалчининг иши битибди" деган ақидага амал қилиб, тегишли ташкилотлар билан боғланди. Сўнг, зарур ҳужжатларни тайёрлагач, тендерда қатнашиб, бўш турган корхонанинг бир қисmini ютиб олади. Дастлабки жараёнда ҳамкорлигини йўлга қўйиб, четдан замонавий дастгоҳларни олиб келди. Кейинги босқичда туманда шакллантирилган "Ёшлар дафтра"дан 50 нафарга яқин ёшларни доимий ишга жалб қилиб, уларни электротехника маҳсулотларини тайёрлаш бўйича касбга қайта ихтисослаштирди.

Айни кунда кичик корхона жамоаси 25 хилдан ортққ истеъмолбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариб, бозорларни таъминлаш бариберида, вилоятдаги кўплаб қурилиш ташкилотларига шартнома асосида ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Юқоридаги мисолга батафсил тўхталишимиз бежизга эмас. Гап шундаки, кейинги беш йилдаги сингари юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга етарли шароитлар яратиш юзасидан ҳукумат даражасида бундай дадил қадамлар ташланмади. Дастурлар ижросини амалда таъминлаш бўйича Давлат активларини бошқариш

агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, 2021 йилда оммавий савдолар орқали 60 та давлат активлари 47,2 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритиш ва 686 та янги иш ўрни яратиш шарти билан 42,7 миллиард сўмга сотилди.

Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда давлат активларининг электрон савдолар орқали имтиёзли шартлар асосида сотилиши ҳам тадбиркорларга янада қулайликлар яратаяпти. Унинг шарофати билан узоқ йиллар самарасиз ишлаб келаётган ёки банкротга юз тутган объектлар ўрнида янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, кўплаб иш ўринлари барпо қилинмоқда. Бир мисол. Қарши шаҳридаги бўш турган объект агентлигининг вилоят бошқармаси томонидан 2018 йилда "Biss electronics system" МЧЖга 2 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритиш, "Электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш" фаолиятини йўлга қўйиш ва 40 дан ортққ янги иш ўрни яратиш мажбурияти билан "ноль" қийматда сотилганди.

Бу имтиёз ишбилармонга фаолиятини ривожлантириш ҳамда моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун катта имконият берди. Айни пайтда мазкур корхонада турли хил ўлчамдаги замонавий электротехника воситалари ишлаб чиқариляпти, ишчи-хизматчиларга зарур шароитлар яратилган. Ҳисоб-китобларга кўра, кейинги икки йилда сарф-харажатлардан ташқари ишлаб топилган соф даромад анчагина бўлди. Тадбиркор шу кунларда янги лойиҳа бўйича корхонани кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш юзасидан зарур ишларни олиб бормоқда.

Вилоят ҳудудида бўш турган объектларни ишбилармонлар ихтиёрига бериш бўйича шу кунларда ҳам агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 73 та давлат активлари 572,1 миллиард сўм бошланғич баҳо-да оммавий савдоларга чиқарилган бўлиб, шундан 42 таси бўш турган давлат кучмас мулк объектлари, 22 таси ҳужалик жамиятларидаги давлат улушлари, 8 таси эса давлат акция пакетларини ташкил этади. Бошқарма жамоаси ҳаракатлари билан жорий йилнинг ўтган даврида 2 та давлат активи 3,1 миллиард сўмга сотилди. Шунингдек, йил якунига қадар яна 31 та давлат активларини 72 миллиард сўмга сотиш режалаштирилган.

– Инвестиция мажбуриятлари билан сотилган ва ҳаракатда бўлган 104 та объект мулкдорлари билан тузилган шартномалар асосида киритилиши белгиланган инвестициялар миқдори 277,1 миллиард сўм ҳамда 8,5 миллион АҚШ долларини, яратилмайдиган янги иш ўринлари сони 2 127 тани ташкил қилди. Жумладан, инвестиция мажбурияти билан сотилган объектлардан 39 таси 2022 йилда ишга туширилиб, уларга 87,7 миллиард сўм ҳамда 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилади ва 858 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Хилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хоразм вилоятидаги иқтисодий-ижтимоий соҳа мутахассисларидан иборат делегация аъзолари Навоий шаҳрида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишди. Хусусан, шаҳарда қад ростлаётган кўп қаватли уйлар ҳамда қурилиши тугалланаётган объектлардаги қурилиш-монтаж жараёнлари, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли уйларнинг бошқариш тизими, маҳаллалардаги шароитлар кўздан кечирилди.

Жумладан, "Хумо-Зилола Барҳаёт" профессионал бошқарув сервис компанияси томонидан кўп қаватли уйларнинг аҳолига яратилган шароитлар меҳмонларда қизиқиш уйғотиб, уйларнинг ертўла қисмидан самарали фойдаланиш бўйича тажрибалар ўрганилди.



Маълумот ўрнида айтиш керак, мазкур компания 17 минг 463 нафар аҳолига хизмат кўрсатади, кўп қаватли уйлар сони 116 тани ташкил этиб, шундан 31 таси 1991 йилдан 2022 йилгача тикланган янги уйларни ташкил қилади. Уйларнинг ертўла қисмида ўқув курслари, хунармандчилик тўғрисидаги ташкил

этилган ҳамда аҳоли учун 30 дан ортиқ хизматлар тизими йўлга қўйилган. Ҳар битта гузарда боғлар ташкил қилиш, болалар майдончаларини қуриб бериш, ободонлаштириб, уйлар атрофини кўркам кўринишга келтириш, таъмирлаш ишлари доимо эътиборда.

Халқни рози қилиш, муаммоларга тезкор ечим топиш, аҳолига муносиб шароитлар яратиш, намунали хизмат кўрсатиш вазифалари муҳим ўрин тутди. Ушбу жараёнлар хоразмлик меҳмонларнинг ҳам диққат-марказида бўлди ва ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоблар олишди.

Тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Зомин туманида тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор билан қаралиб, сўнгги вақтда бир қанча самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, яқинда кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасидан мутасаддилар иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари мазкур марказ фақат Зомин тумани, балки қўшни туманлар аҳолиси учун ҳам алоҳида аҳамиятга эгалиги, янги мажмуа замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланганини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу иншоот Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 8 миллиард 347 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

Бу каби хайрли ишларга туманда алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2021 йилда 2 миллиард 350 миллион сўм маблағ эвазига тиббиёт бирлашмаси таркибид

"Тез тиббий ёрдам" бўлими биноси, 11 миллиард сўмга 40 ўринли Перинатал маркази ҳамда 1 миллиард 500 миллионга Даштобод шаҳар шифохонасининг 60 ўринли бош даволаш биналари замонавий лойиҳалар асосида қуриб битказилди. Шунингдек, чекка ҳудудлар аҳолиси учун маҳаллий бюджет ҳисобидан Қорамозор, Пешогор, Дубоа, Истиклол маҳаллаларида бирламчи тиббиёт масканлари фаолияти қайта тикланди.

Фестивалга тайёргарлик авжида



Зухриддин АҲАДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Президентимизнинг 2021 йил 29 апрелдаги "Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра, зардўзлик ва заргарликни кенг тарғиб этишда хунармандларнинг касб маҳорат намойишига айланган фестивал шу йилнинг 21-25 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган.

Фестиваль доирасида "Лаби ҳовуз" ансамбли майдонидан "Арқ" кўрғони ҳудудигача бўлган ён-атрофда зардўзлик ва заргарлик санъати оид турли кўргазмалар, хунарманд

чилик буюмлари, тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари, қадимий зардўзлик-заргарлик дастурлари, уларни яратиш жараёнлари, хунармандчиликка оид бадиий, ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва сотуви ташкил этилади.

Кўни кеча вилоят раҳбарлари, тегишли корхона ва ташкилотларнинг мутасаддилари, секторлар раҳбарлари шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, халқаро фестивалга тайёргарлик жараёнларининг боришини ўрганишди. Вилоят раҳбари қурилиш бораётган майдонлар олдини тартибга келтириш, кўчаларда туниги ёритиш чироқлари сўз ҳолда бўлишини таъминлаш бўйича масъулларга топшириқлар берди.

Наманган вилояти

Тадбиркорлар Қашқадарёда

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов раҳбарлигидаги тадбиркор ва ишбилармонлар вакиллари Қашқадарё вилоятида бўлишди.

Икки вилоят тадбиркорлари ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилишди. Натижада 1,5 триллион сўмдан зиёд қийматга эга шартномалар имзоланди ҳамда вилоятлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-туристик ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорлик янада ривожлантирилмайдиган бўлди.

Воҳага сафар қилганлар орасида қурилиш тизими вакиллари ҳам бор эди. Улар Қашқадарёдаги бир қатор йирик объектларни кўздан кечиришди.

Инсон қадрлари ҳар нарсадан улуғ

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан вилоят Қурилиш бош бошқармасида меҳнат фахрийси Убайдулла Сотиболдиевнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ташкил этилди.

Тажрибали қурувчи қарийб қирқ йил бир қатор лойиҳалар ташкилотларида ишлаган. Айна пайтда бош бошқарма тасарруфидида "Лойиҳалаштириш-режалаштириш бюроси" давлат унитар корхонасида меҳнат қилмоқда. У шуб режалар ишлаб чиқиш бўйича етук мутахассис, ўйлаб шогирдлар етиштирган устозлардан бири.

Соғломлаштириш маркази ишга тушди

Янгиқўрғон тумани марказида замонавий стоматология-соғломлаштириш маркази ишга тушди.

Хусусий тадбиркор Акмалжон Патталов томонидан Бешбулоқ маҳалласи ҳудудида ташкил этилган бу шифо масканига 1,7 млрд сўм маблағ сарфланди. Италия ва Хитой Халқ Республикасидан қиймати 300 млн сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилиб, 15 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу даволаш масканида аҳолига стоматологик касалликлар бўйича замонавий стандартлар асосида тиббий хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Стадион мухлисларни чорлайди

Тўрақўрғон туманидаги "Ёшлик" стадиони 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ихтиёрига берилгач, бюджетдан мажмуани қайта қуриш учун 4 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди.

Айна пайтда янгилашни туфайли сузиш ҳавзаси, ошхона, кийини хоналари тўла таъмирланиб, барча иситиш ва сув тармоқлари тартибга келтирилди. Эндиликда бу ерда 11 та спорт тури бўйича 1 250 нафар ёшлар шуғулланади.

Янги йўл ҳаракати қоидаларидан қанчалик хабардорми?

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ишонамни атрофида бўлгани боис, Навоий кўчасидан кунда икки мартаба ўтаман. Яқинда бу йўл янгича услубда реконструкция қилинди. Аввалига, янги шаклдаги йўл нафақат ҳайдовчилар, балки биз йўловчиларни ҳам озгина шошириб қўйди. Чунки светофор кўрсатмаларига биноан ҳаракатланишга кўникиб қолган эдик-да. Мутахассисларнинг фикрича, мураккаб чорраҳаларни бундай тартибда қайтадан таъмирлаш тирбандликларни олдини олиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг вақтини тежайди. Бу чорраҳада ахборот кўрсаткичлари аввалдан мавжуд бўлган аммо ишлатилмаган. Энди ҳайдовчилар бу кўрсаткичлар бўйича ҳаракатланишни ўрганиши керак. Бундай шаклдаги чорраҳада автотранспорт оқими тўхтамайди, автобонилар бир жойда туриб қолмайди. Бу эса экологияга ҳам камроқ зарар етказиши.



Эндиликда тест саволларини ечиш ва автомобилни бошқариш бўйича имтиҳонлар инсон омилсиз, автоматлаштирилган тарзда ўтказилади. Бунда ҳеч қандай коррупция ва таниш-билишчиликка йўл қўйилмайди.

Имтиҳон марказининг очилиши натижасида автоматлаштар олдидаги массулият янада ошди, – деди Абдуллажон Ҳашимов. – Фақат айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш лозим. Масалан, имтиҳон саволлари 700 тадан 1000 тага кўпайтирилди. Имтиҳонлар фақат механик язатмадаги автомобилларда топширилмайдиган бўлди. Мутахассис сифатида шахсий фикримни айтишдан бўлсам, биринчидан, автомат узатмалари ўқув автобилида имтиҳон олиш марказида йўлга қўйилмаганини айтишни мумкин. Бугун ҳаётимизга электромобиллар шиддат билан кириб келмоқда. Уларнинг барчаси автомат узатмалар кўрсатиш оқали ҳаракатланади. Бундай вазиятда имтиҳонни фақат механик узатмалар билан олиш имтиҳонни олиш марказида йўлга қўйилмаганини айтишни мумкин. Бугун ҳаётимизга электромобиллар шиддат билан кириб келмоқда. Уларнинг барчаси автомат узатмалар кўрсатиш оқали ҳаракатланади. Бундай вазиятда имтиҳонни фақат механик узатмалар билан олиш имтиҳонни олиш марказида йўлга қўйилмаганини айтишни мумкин. Бугун ҳаётимизга электромобиллар шиддат билан кириб келмоқда. Уларнинг барчаси автомат узатмалар кўрсатиш оқали ҳаракатланади. Бундай вазиятда имтиҳонни фақат механик узатмалар билан олиш имтиҳонни олиш марказида йўлга қўйилмаганини айтишни мумкин.

Хабарингиз бор, 2022 йил 12 апрелда Хукуматимизнинг 172-сонли қарори билан йўл ҳаракати қоидалари тасдиқланди. Ушбу тартиблар жорий йилнинг 1 май кунидан қучга кирди. Бундан юртдошларимиз қанчалик хабардор?

Янги тартибга кўра, эндиликда аҳоли пунктларида транспортларнинг тезлигини соатига 70 километрдан, мактаб ва боғчалар атрофидаги йўлларда 300 метргача масофада 30 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой биналари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 километрдан оширмадан ҳаракатланишга рухсат этилади. Автомобиль ҳайдовчиси ва унинг олди ўринидида ўтирган йўловчилар хавфсизлик камарини тақиб олишлари шарт бўлади. Пиёдалар ўтиш жойларига 10 метрдан кам масофада тўхташ ва тўхтаб туриш, велосипед йўлкаси билан кесмишган жойларда ҳам 10 метрдан кам масофада тўхташ ва тўхтаб туриш тақиқланади. Юк автомобиллари, йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган айрим истиснолардан ташқари барча ҳолатларда, йўлнинг фақат ўнг қатнов қисмидан ҳаракатланиши шарт. Шунингдек, аҳоли ҳамда ҳайдовчилар ўртасида 7 ёшга болаларни махсус болалар ўринидида, 7 ёшдан 12 ёшга болаларни махсус ушлаб туривчи мосламалари хавфсизлик камарини таққан ҳолда ташиш, транспортнинг орқа ўринидидаги йўловчилар ҳам хавфсизлик камарини тақиб олишлари бўйича манзилли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Қолаверса, қоидалардаги янги тартиблар ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ягона Имтиҳон марказининг ташкил этилиши юртимизда йўл транспорт соҳасидаги катта ислохотларни бошлаб берди. Бундан кўзланган асосий мақсад, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳайдовчиларда йўлларда ҳаракатланиш маданиятини оширишдир.

Пойтахт кўчалари қанчалик чиройли, равон ва текис бўлса, шунчалик тирбанд ва ҳаракатланиш учун қийин эканлигини тан олиш лозим. Чунки шаҳарга бир кунда бошқа ҳудудлардан ҳам минглаб автомобиллар ва аҳоли кириб келади. Буларни тартибга солишнинг энг мақбул йўли аввало, бўлажак ҳайдовчиларга яхши билим беришдир.

Бу борада соҳа мутахассислари қандай фикрда?

– Автоматбимиз 2019 йилда очилган, – деди пойтахтимикининг Утепа туманида фаолият юритаётган "AVTOBEST SCHOOL" инновацион автоматбимининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуллажон Ҳашимов. – Биринчи йилда мактабни 41 нафар, 2020 йилда 120, 2021 йилда эса 140 нафар ўқувчи битириб чиққан. Бу йилги режамиз 300 нафар ўқувчини ҳайдовчиликка ўргатишдир. 2022 йилда йўл ҳаракати қоидаларига бир қанча ўзгаришлар киритилиши билан биргаликда автоматтаб соҳасида ҳам талаблар анча жиддийлашди. Эндиликда назарий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар фақат олий маълумотга эга бўлиши белгилаб қўйилди. Бу ҳам бўлажак ҳайдовчиларга сифатли таълим бериш кафолатидир. Амалий бошқариш усталари (инструкторлар) эса олий ва ўрта-махсус мутахассислигига эга бўлиши лозим. Уларнинг малака ошириш курслари ҳозирги кунда Ички ишлар академияси томонидан амалга оширилиши тасдиқланди. Бундан ташқари, янги тартибга кўра, ўқиб муддат 26 hafta бўлиши режалаштирилмоқда. Яъни, икки ярим ойдан, олти ярим ойга узайтириш лойиҳаси киритилган.

Шунингдек, Тошкент имтиҳон марказининг очилгани ҳам автоматтаб соҳасида муҳим янгиллик сифатида қайд этилмоқда. Ҳозирги кунда барча яқиний имтиҳонлар фақат ўша ерда топширилади. Яхши томони шуки,

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Май ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари **Давронжон Адил**ов, Ички аудит ва контрол нazorat бошқармаси, МЧС бўлими **Воҳид Ибадуллаев**, Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш бўлими бошлиғи **Ойбек Хидоев**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси компьютер техникаси бўйича хизмат кўрсатувчи техник **Алишер Эргашев**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош мутахассиси **Эркин Шаниязов**, иш бошқарувчи **Ақтам Акбаров**,

Андижон вилояти, Андижон шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Ғайрат Муллаев**, Андижон тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Муслимбек Инобиidin**ов, Пахтабод тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Бекзод Мамасолиев**,

Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Ғолиб Тойиров**,

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Баҳром Бойқулов**, Арнасой тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Умид Муратов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Жиззах вилояти филиали бошлиғи **Юсуфжон Қулмурад**ов,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассиси **Рустам Тўрақулов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Жанболат Ильханов**, Бўзатов тумани қурилиш бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Женисбай Ниетбаев**, Кегейли тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Баҳадир Балтаниязов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Анатоллий Жохов**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими мутахассиси **Махсуд Сайдахмедов**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармасиди "Архитектура-режалаштириш бюроси" УК архитектори **Зафар Содиқов**,

Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани қурилиш бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича архитектор **Қодир Иманов**,

Хоразм вилояти, Хива шаҳар қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Муродбек Матқаримов**, Хива тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Эркин Машарипов**ларни таваллуд кўни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ – КЕЛАЖАК УМИДИ

Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қайта тикланувчи энергия нима дегани? Википедияда унга қуёш нури, шамол, ёмғир, тўлқинлар ва оддий геотермик иссиқлик каби табиий йўллар билан ишлаб чиқариладиган, муайян давр давомида такроран қайта тиклана оладиган қувват манбалари сифатида таъриф берилган. Дунёвий иқлим ўзгаришлари ортиши натижасида қайта тикланувчи энергия инсоният учун хавфсиз келажакни таъминлаши мумкин. Бу борада Ўзбекистонда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.



Сайёрамиз ва атмосферанинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши тобора кўпроқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мамлакатимизда барчамиз учун маълум бўлган аҳоли пунктларига жиддий таъсир кўрсатадиган сел оқимлари, 5-6 кун тўтовсиз давом этаётган ёмғирлар ва шу каби яна кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Биз эндиликда тез-тез учраб турадиган бу ҳодисаларни битта ибора билан атаймиз – иқлим ўзгариши. Сабаби, ер ва ҳавонинг инсон ҳаракатлари ёки антропоген омиллар таъсирида ифлосланиш ҳақмининг ортишидир. Шундай қилиб, атмосферанинг иссиқнома газлари чиқиндилари билан ифлосланиши, бошқа нарзалар қатори, иссиқлик электр станцияларининг ишлаши натижасида юзага келади. Шундай пайтда чиқинди ва ортқича исрофгарчиликдан холи янги энергия манбаларини уйлаб

топиш, қуриш барча учун бирдек фойдалу бўла олади. "Яшил" энергетика ёки "яшил" иқтисодийёт оdatда инсониятга умид берган тармоққа айланмоқда.

